

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Рахмонкулов Темурбек Эшмаматович

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

**Аннотация.** Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, солиқ сиёсатини такомиллаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш орқали аҳолига енгилликлар яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва зовларни бартараф этишга еришиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда солиқлар орқали рағбатлантириш солиқ сиёсатининг муҳим устувор вазифалардан биридир.

Ушбу мақолада, Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатида бўлаётган ўзгаришлар, солиқ сиёсати ютуқларлари ва камчиликлари, тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар ва уларнинг ўзгаришлари келтирилиб ўтилган. Солиқ сиёсатида бўлаётган ўзгаришлар натижасида хуфёна пул айланмаси, солиқлардан қочиш ва солиқларни камайтириб кўрсатиш ҳолатларига мисоллар келтириб ўтилган. Солиқ сиёсати натижасида давлат бюджетига тушаётган тушумлар ўзгариши таҳлил қилинган. Бундан ташқари солиқ турларининг жорий йилдаги давлат бюджетига улуши қанчани ташкил этганлиги ва берилаётган имтиёзларнинг иқтисодиётимизга таъсири чуқур таҳлил қилинади. Олинган маълумотлар асосида ечимлар ва хулосалар берилади.

**Таянч сўзлар:** Ўзбекистон Республикаси, солиқ сиёсати, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ турлари, давлат бюджети, тадбиркорлик, имтиёзлар.

### КИРИШ

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида солиқ сиёсатига алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакат иқтисодиёти ва сиёсатида солиқлар ва уларнинг ўрни бекиёсдир. Жумладан мамлакатимиз бюджети даромадининг каттагина қисми солиқлар эгаллаши айни ҳақиқатдир.

Республикаимизда сўнги йилларда солиқ ислоҳатларига алоҳида эътибор қаратилиб, солиқ қонунчилигини соддалаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тенденциялар мунтазам амалга оширилиб келинмоқда.

Бу борада Ш.М.Мирзиёев томонидан сўнги пайтларда қабул қилинаётган фармон ва қарорлар солиқ сиёсатини эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий соҳани рағбатлантириш, солиқ юқини камайтириш ҳамда солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилаётганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Жумладан, “Маҳаллат бюджети” тизимини жорий этиш орқали маҳаллаларнинг молиявий имкониятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чара-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ-458-сон, 26.12.2022-й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2023-йил 1-январдан қуйидаги жадвалда кўрсатилган ва солиқларни ундириш кўрсаткичи паст бўлган туманларда “Маҳаллат бюджети” тизими ҳуқуқий эксперимент тариқасида жорий [этилади](#).

Мазкур туманларда мол-мулк ва ер солиғи (нотурар жойлар бўйича мол-мулк ва ер солиғи бундан мустасно) бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизи ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача туман бюджетлари орқали тегишли жамғармаларга йўналтирилади.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Мақоланинг ушбу қисми солиқ сиёсатининг асосий ўзгариш ва ривожланиш тенденциялари ҳақида маълумот беришга қаратилган. Унда биз юқорида айтиб ўтилган йўналишларга оид назарий фикрлар ва солиқ сиёсатининг мувоффақиятли ислохотлари қўлланилишини кўриб чиқамиз.

Ушбу мақолани ёзишда турли хил мақолалар ва адабиётлардан фойдаланилган. Жумладан, **Худойкулов С.К., Қузиёева Н.Р., Нуруллаев А.С.** (“солиқ сиёсати” ўқув қўлланмаси), **Давлат Солиқ Қўмитаси** расмий веб сайтидан ва бир қатор адабиётлардан фойдаланилган.

Ҳар бир давлат ўзининг ривожланиш жараёнида бир нечта босқичларни босиб ўтади. Ана шу босқичларда солиқ сиёсатида ҳам анчагина ўзгаришлар кўришимиз мумкин. Мамлакатимиз ўз мустақиллиги киритилган вақтдан бошлаб солиқ соҳасидаги иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида мустақил солиқ тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган солиқ сиёсатининг йўналишларини таҳлилий ўрганишни уни маълум бир босқичларга бўлиб ўрганиш солиқ сиёсатининг хусусиятларини очишга ёрдам беради. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва унинг йўналишлари шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин.

Мамлакат солиқ тизими хусусиятлари, йўналишлари, қандай солиқларнинг жорий этилиши каби масалаларни солиқ сиёсати белгилаб.

беради. Шунинг учун ҳам давлатнинг солиқ сиёсати қуйидаги мақсадларни бажаради<sup>12</sup>:

1. Иқтисодий.
2. Фискал.
3. Ижтимоий.
4. Халқаро.

Солиқ сиёсатининг иқтисодий мақсади иқтисодий ривожланиш даражасини ошириш, иш фаоллигини жонлантириш, хўжалик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилади.

Фискал мақсади давлат ҳокимияти органларининг ҳар бирини иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишлари учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминлайди.

Ижтимоий мақсади эса даромадларни тартибга солишга қаратилган давлат сиёсатидан келиб чиққан ҳолда алоҳида гуруҳлар манфаатлари учун миллий даромадни қайта тақсимлайди ва тенгсизликни бартараф қилишни таъминлашга қаратилган.

Халқаро мақсади бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш учун давлатнинг халқаро мажбуриятларини бажаришга хизмат қилади.

Профессор Ж.Зайналовнинг фикрича, “Солиқ сиёсати давлатнинг солиқ муносабатлари доирасидаги фармон, қонун ва қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилиш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, фаолиятларининг туб йиғиндисидир<sup>13</sup>”. Солиқ сиёсати ҳақида фикр юритганимизда, унинг турларига алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим бўлади. Ҳозирги кунда солиқ сиёсати турларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Иқтисодий ўсиш сиёсати
2. Чегаралаш сиёсати
3. Мувозанатлаштириш сиёсати

Солиқ сиёсатининг юқорида келтириб ўтилган турлари аҳоли даромади ўсишига ва аҳолининг бандлик даражасини оширади, давлат харажатлари тизимини назорат қилиш, солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солиш, солиқ-бюджет сиёсати яхлитлигини таъминлаш ва энг асосийси давлат бюджети даромадларини шакллантириш манбааларини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳар қандай давлат сиёсатида ишлаб чиқилган нормалар қанчалик тўғри ишлаётганлигини билгувчи ўзининг самарадорлик

<sup>12</sup> Худойкулов С.К., Қузиёва Н.Р., Нуруллаев А.С. «Солиқ сиёсати»: Ўқув қўлланма. – Т.: «ИQTISODIYOT», 2020. – 6 б.

<sup>13</sup> Зайналов Ж. Солиқлар ва солиққа тортиш. Самарқанд. 2002. 32-бет

кўрсаткичлари бўлгани каби солиқ сиёсатида ҳам солиқ сиёсатининг самарадорлигини баҳоловчи асосий кўрсаткичлари мавжуд.

Солиқ сиёсати самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар асосан икки гуруҳга бўлинади<sup>14</sup>:

Биринчи гуруҳга солиқ юкининг пасайтирилишига мувофиқ бюджет даромадларининг кўпайиши(ёки камайиши), ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши(ёки камайиши), инвестицияларнинг самараси, аҳолининг реал пул даромадларининг ошиши(камайиши), истъеъмолнинг ортиши(қисқариши), нархлар даражаси ва шу каби кўрсаткичлар кириб, бу каби кўрсаткичлар амалга оширилган(оширалаётган) солиқ сиёсатининг самарадорлигини тавсифловчи умумий хулосаларни беради.

Иккинчи гуруҳга кирувчи кўрсаткичлар эса бевосита солиқ сиёсатининг ички механизмларининг самарадорлигини тавсифлайди

Бугунги кунда Республикамиз солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг конституцияси, Ўзбекистон Республикаси “Солиқ Кодекси”, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги қонуни, ҳукуматнинг бошқа солиққа оид қонун ва қарорлари, Президент фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан изоҳланади.

Мамлакат ривожланиш учун албатта биринчи ўринда илғор ва замонавий солиқ сиёсати жуда катта рўл ўйнайди. Бундай солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда эса хориж амалиётининг ўрни катта. Кўпчилик хорижлик олимлар ҳам ўз илмий ишларида бугунги кунда давлат солиқ сиёсати механизми сифатидаги муаммоси бўйича тадқиқотлар амалга оширилган.

### **ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ушбу мақолада мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг солиқ сиёсати методологиясига бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотларининг таҳлилида статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатув усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётлар қиёсий таҳлили, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва қиёсий таққослаш, иқтисодий-статистик таҳлил ва солиштирма таҳлил, танлама кузатув усулларидан фойдаланилди.

### **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Мамлакатимизда 2022 йил илғор хорижий тажриба асосида солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамда солиқ тўловчиларнинг солиқ органлари билан ўзаро муносабатларида

<sup>14</sup> Худойкулов С.К., Кузиева Н.Р., Нуруллаев А.С. «Солиқ сиёсати»: Ўқув қўлланма. – Т.: «ИQTISODIYOT», 2020. – 79 б.

шаффоликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бу комплекс чора-тадбирлар натижасида тадбиркорларга бир қатор солиқ енгилликлар берилди. Айрим солиқ турлари имтиёзлари ўз кучини йўқотди. Бу комплекс чора-тадбирлар натижасида тадбиркорларга бир қатор солиқ енгилликлар берилиши билан бир қаторда солиқ тушумлари ҳам сезиларли даражада ўсди.

Мисол тариқасида 2021-2022-йил бюджетга тушган тушумлар ва уларнинг қайси солиқ турига қанча миқдорда тўғри келишини кўриб чиқамиз.

2021-2022-йил бюджетга тушган тушумлар тўғрисида маълумотнома (млрд.сумда)<sup>15</sup>


(1-жадвал)

№	Солиқ турлари	2021-йил 31-бры	2022-йил 31-бры	Улуши (пайызда)	Ўсиш ати
	Бюджетга тушумлар, жами	127 970,0	148 388,0	100,0	116,0
Шу жумладан:					
1	Бевосита солиқлар	57 281,0	61 934,0	41,7	108,1
2	Билвосита солиқлар	38 351,0	45 889,0	30,9	119,7
3	Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	23 036,0	23 913,0	16,1	103,8
4	Давлат божи ва жарималар	3 333,0	4 236,0	2,9	127,1
5	Бошқа солиқлар ва имлалар	5 969,0	12 416,0	8,4	208,0


2021-2022-йил бюджетга тушган тушумлар тўғрисида маълумотнома (млрд.сумда)<sup>16</sup>

<sup>15</sup> <https://soliq.uz/page/asosiy-korsatkichlar>

<sup>16</sup> <https://soliq.uz/page/asosiy-korsatkichlar>

*(2-жадвал)*

2022-йил 31-декабрь ҳолатига бюджет тушумларининг улуши (фоизда)<sup>17</sup>

*(3-жадвал)*

<sup>17</sup> <https://soliq.uz/page/asosiy-korsatkichlar>

Юқоридаги жадвалларда 2021-2022-йил бюджетга тушган тушумлар тўғрисида маълумотлар келтирилиб ўтилган. Энди эса шу маълумотлар асосида таҳлил қилиб чиқамиз.

Жами бюджетга тушумлар 2021-йил 31-декабрь ҳолатига 127 970 млрд.сумни ташкил этган. Мос равишда 2022-йил 31-декабрь ҳолатида 148 388 млрд.сумни ташкил этган. Натижада 2022-йил 31-декабрь ҳолатида 2021-йил 31-декабрь ҳолатига нисбатан 16 фоизга бюджет тушумлари ортган.

Бевосита солиқлар 2021-йил 31-декабрь ҳолатида 57 281 млрд.сумни ташкил этган. 2022-йил 31-декабрь ҳолатига 61 934 млрд.сумни ташкил этган ҳолда 8.1 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин.

Билвосита солиқлар 2021-йил 31-декабрь ҳолатида 38 351 млрд.сумни ташкил этган. 2022-йил 31-декабрь ҳолатига 45 889 млрд.сумни ташкил этган ҳолда 19.7 фоизга ўсган.

Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи 2021-йил 31-декабрь ҳолатида 23 036 млрд.сумни ташкил этган. 2022-йил 31-декабрь ҳолатига 23 913 млрд.сумни ташкил этган ҳолда 3.8 фоизга ўсган.

Давлат божи ва жарималар 2021-йил 31-декабрь ҳолатида 3 333 млрд.сумни ташкил этган. 2022-йил 31-декабрь ҳолатига 4 236 млрд.сумни ташкил этган ҳолда 27.1 фоизга ўсган.

Бошқа солиқлар ва йиғимлар 2021-йил 31-декабрь ҳолатида 5 969 млрд.сумни ташкил этган. 2022-йил 31-декабрь ҳолатига 12 416 млрд.сумни ташкил этган ҳолда 27.1 фоизга ўсган.

Юқоридаги таҳлил натижасида 2021-йил 31-декабрь ҳолатига нисбатан 2022-йил 31-декабрь ҳолатида давлат бюджетига тушум ортганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги қисқача таҳлил натижасида хулосамиз шуки, Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар 2021 йилга нисбатан 2022 йилда тадбиркорларимиз ва аҳолига бир қанча имкониятлар эшигини очибгина қолмай, Давлат бюджетига тушумларни ҳам кўпайтирган. Бу ўз навбатида тўғри солиқ сиёсати олиб борилганлигидан далолатдир.

### **ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Абдуллаев А.Б. (2020) Солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Диссертация. Тошкент. 2020. 69 бет.
2. Фармон (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбилари тўғрисида”ги Фармон (ПФ–5837-сон, 26.09.2019 й.).

3. Саттарова Н.А. (2014) Горизонтальный мониторинг как фактор эффективности налогового администрирования // Финансовое право. №10. С. 23.
4. Тошмуродов Т. (2003) Солиқлар изохли лугати – Тошкент: «Меҳнат». 116 –бет.
5. Вахобов А.В, Жўраев А.С. (2009) Солиқлар ва солиққа тортиш.– Тошкент: Шарқ, 309-бет.
6. Basse, U.O. (2013). Companies taxation in Nigeria. Lagos: The CIBN Press Ltd. Business Day (Newspaper) 26th August
7. Яхёев Қ.А. (2003) Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.:Фан ва технологиялар нашриёти. 247 б.
8. Юшкова О.О. (2017) Влияние налоговых льгот на эффективность предпринимательской деятельности Российской Федерации. Наука XXI века №4.